ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

6 январ, чоршанба 1999 йил №2(649)

ШУАЛЛИ ЗАМИН ВАТАН, ЎЗБЕКИСТОН, БАРЧАМИЗНИКИ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

Ушбу сонда:

2 ҚИШЛОҚ ОҚШОМЛАРИ НЕГА ЗЕРИКАРЛИ?

3 ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ: У ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

4 ИСЛОМДА МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ

«Маънавий юксалиш йўлида»

Ўзбекистон мустақиллик йўлидан дадил одимламоқда. Бугунги кунда тарихимиз, маънавиятимиз, рухий-маданий кадриятларимизни англашга янгича ёндошиш яккол сезилмоқда. Бу давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг маънавият ва тарихий кадриятларни тиклаш масалаларига доимий диққат-эътибори натижасидир.

Республика Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Президентимизнинг юксак маънавият, таълим-тарбиянинг куч-қудрати ва аҳамиятига оид маърузалари, нутқлари, асарларидан олинган энг муҳим парчалардан иборат «Маънавий юксалиш йўлида» номли тўпламни рангли суратлар билан кўп минг нусхада нашрдан чиқарди. Тўплам Тошкентдаги Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси - «Растр» босмахонасида юксак матбаа ижросида чоп этилди.

Китобда маънавий хазинамиз бўлган бой тарихимиз, юксак қадриятлар, анъаналар, урф-одатларимиз мужассам бўлган маънавиятимиз, бетакрор санъатни, меъморчиликни ўзида акс эттирган маданиятимизнинг ранг-баранг қирралари, чуқур илдизлари атрофлича очиб берилган.

Ҳақиқатан ҳам биронбир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

«Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди», деб таъкидлайди йўлбошчимиз.

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифа бўлиб қолди.

Буюк бобокалонимиз, жаҳон тан олган саркарда ва оламга машҳур улкан давлат асосчиси соҳибқирон Амир Темурнинг муқаддас номи тўла тикланди ва таваллудининг муборак 660 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланди. Китобда таъкидлаганидек, Амир Темур- бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиз, халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзи бўлиб қолди.

Кўҳна ўлканинг улуғ фарзандлари бўлиб вояга етган, номлари етти иқлимга машҳур бўлган буюк Шарқ шоиру мутафаккирлари - Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Халқимиз имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйларини кенг нишонлади, Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейлари Ўзбекистон давлатининг обрў-эътиборини дунё миқёсида яна ҳам оширди.

Бу муҳим воқеаларнинг раҳнамоси ва бевосита илҳомчиси бўлган Ислом Каримов ана шу тантаналарда қилган маърузаларида улуғ аждодларимизнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган муносиб ҳиссасини алоҳида таъкидладилар. Бу нутқ ва маърузалар рангли суратлар билан китобдан муносиб ўрин олган.

Тўпламда мустақилликка эришилган кундан бошлаб ўтган даврдаги муҳим воқеалар тўла қамраб олинган. «Буюк боболарнинг руҳи покларига таяниб», «Ўзлигимизни англаш йўли», «Илму фан тараққиётга хизмат қилсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди», «Азалий буюклик маскани» сингари боблардан ўрин олган нутқ ва маърузаларни, сухбат ва Президентимизнинг машҳур китобларидан олинган доно фикрларни ўқиган ҳар бир муштарий ўзида мамлакатига битмас-туганмас ғурур ва унинг буюк келажагига бўлган юксак ишончни ҳис этади.

«Маънавий юксалиш йўлида» тўпламида йўлбошчимизнинг тарихчи олимлар билан учрашувидаги маърузалари ҳам алоҳида ўрин олган.

Ана шу учрашувда Президентимизнинг «Биз буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имкониятларимиз билан бир қаторда тарихий асосларимиз бор», деб айтган сўзларида жуда катта маъно мужассам.

Юртбошимизнинг мустақилликка эришганимиздан буён ўтган даврдаги маънавият ва маърифатни юксалтиришга оид маърузалари, дастуруламал сўзлари жамулжам бўлган бу китоб чин маънода ҳар бир раҳбар, олим ва муаллим, мактаблар, лицейлар, коллеж ва олий ўқув юртлари талаба ва ўқувчилари, хуллас, шу Ватан учун қайғурадиган, курашадиган барча фидойилар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

/ЎзА/

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ш.З.Бобохоновни Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Шамситдин Зияитдинович Бобохонов Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 5 январ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

В.Г.Кулавский ва Е.Г.Вашуркинларни мукофотлаш тўғрисида

Хизмат бурчини бажаришда кўрсатган жасурлиги ва мардлиги ҳамда дадил ҳаракатлари билан ҳавода тўқнашувнинг олдини олиб, йўловчилар ҳаётини сақлаб қолишдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II-даражали «Шон-шараф» ордени билан

Кулавский Валерий Геннадьевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари», Миллий авиакомпанияси учувчилар мажмуи Бирлашган авиаотряди А-310 ҳаво кемасининг командири

«Жасорат» медали билан

Вашуркин Евгений Геннадьевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси учувчилар мажмуи Бирлашган авиаотряди А-310 ҳаво кемасининг иккинчи учувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 5 январ

Шарҳловчи минбари

ҚАЛТИС МИНТАҚАЛАР

1998 йил тарих саҳифаларидан жой олганига кўп бўлгани йўқ. Лекин хозирданоқ турли таҳлил марказлари ўтган йил ҳақида муайян хулосалар чиқаришга ёки бошланган йилнинг қандай кечажаги ҳақида башорат қилишга уринмоқдалар. Янги йилнинг илк ҳафтаси бошида АҚШдаги «Миллий мудофаа кенгаши жамғармаси» жамоат ташкилотининг 1998 йилги вазият таҳлилига бағишланган маърузаси эълон қилинди. Дунёнинг 192 мамлакати ва минтақасидаги вазиятни синчиклаб кузатиб борган мазкур жамғарма мутахассислари йил давомида олтмишдан ортиқ сиёсий, этник ва бошқа сабаблар боис қуролли можаролар келиб чиққан мамлакатлар рўйхатини эълон қилди.

Ушбу рўйхатга нафақат Афғонистон ва Тожикистон, Югославия ва Шри-Ланка, Ангола ва Руандадаги каби фуқаролар урушлари ҳамда чегара можаролари давом этаётган мамлакатлар, балки террорчилик гуруҳлари ва наркомафия фаол ҳаракат қилаётган ҳудудлар, хусусан, Колумбия, Буюк Британия, Франция, Ирландия, Мексика, Миср, Туркия, Исроил мамлакатлари ҳам киритилган. Ички низолар тинмаётган Россия ва Грузия ҳам қалтис минтақалар рўйхатининг олдинги қаторларидан жой олган. Маъруза муаллифларининг таъкидлашича, тинмаётган можаролар мазкур мамлакатларнинг миллий хавфсизлик тизимини ишдан чиқармоқда, иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг барқарорлашуви йўлидаги ҳаракатларнинг чиппакка чиқишига сабаб бўлаётир, охир-оқибатда эса уларнинг иқтисодий ривожланиши тобора сусайиб бормоқда.

Мазкур маърузада 1997 йилга нисбатан қуролли можароларнинг сони етти нафарга қисқаргани ҳам қайд этилади. Жумладан, Грециядa террорчилик ташкилотлар фаолияти сусайгани кузатилган. Италияда уюшган жиноятчиликка қарши изчил кураш ниҳоят ўз самарасини берди - бу ерда мафия илдизига болта урилди, энди у илгаригидек сурбетларча ҳаракат қилишдан тийилиб турибди. Испанияда эса алоҳида давлат қуришни орзу қилиб юрган Баск сепаратчилари қурол ишлатишнинг самарасиз эканлигини тушуниб етди, шекилли, бомбалар портлаши-ю автоматларнинг тариллаши эшитилмай қолди.

АҚШнинг яна бир таҳлил маркази - Мудофаа тадқиқотлари маркази ўтган йил якунлари бўйича эълон қилган маърузада қуролли можаролар сони йигирмадан ошмагани қайд этилади. Табиийки, бу рўйхатга мафия ва уюшган жиноятчилар армияси билан бўлиб ўтаётган жанг-жадаллар киритилмаган. Фақат фуқаролар урушлари ва давлат қўшинларининг ўз мамлакати ёки ўзга мамлакатлар фуқароларига қарши қурол ишлатган ҳолатлари, шунингдек, давлатлараро қуролли можаролар санаб ўтилган. Таъкидлаш жоизки, бундай можароларнинг дунёдаги тинчлик жараёнига солаётган хавфи ошиб бораётир. Хусусан, ўтган йили ана шундай можаролар туфайли кўплаб қалтис вазиятлар юзага келди. Масалан, Югославия армияси ва полициясининг Косово албанларига қарши қурол ишлатмаслик ҳақидаги НАТО шартларига бепарво қараши оқибатида Европа марказида кенг миқёсли уруш бошланиши эҳтимоли пайдо бўлди. Сурия ва Курд Ишчилар партияси раҳбари Абдуллоҳ Ўжоланга ва унинг жангариларига бошпана бериши оқибатида Сурия ва Туркия ўртасида юзага келган қалтис вазиятни ҳам ана шундай мисоллар сирасига киритиш мумкин.

Дунёдаги вазиятни синчиклаб кузатиб борадиган ташкилотлардан яна бири АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармасидир. МРБ мутахассислари ҳар йили ўртача 27-28 марта қуролли можаро келиб чиққанини, ўтган йили эса бундай жанжаллар сони камайиб, йигирмадан сал ошгани ҳақида маълумот тарқатган. Лекин барча мутахассислар дунёда қуролдан ҳам мудҳишроқ бошқа можаролар пайдо бўлганини бир овоздан таъкидлашмоқда.

Ўтган йили Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида рўй берган иқтисодий бўҳрон жуда катта зиён етказди. Чунки бу иқтисодий бўҳрон миллион-миллион кишиларни қашшоқлик остонасига келтириб қўйди. Энг катта орзуси, энг юксак бахти - қорнини нонга тўйдириш бўлган кишилар сони кескин кўпайиб кетди. Оч баччағардан қоч баччағар, деганларидек, камбағаллик бошланган Индонезияда ҳукуматга қарши норозиликлар ўзга миллат вакилларини қирғин қилишига айланиб кетди, айрим ороллар эса мустақиллик даъво қилмоқда. Россияда юз берган молиявий бўҳрон ҳам мамлакатни бир неча йиллар орқага итқитиб юборди, дейишмоқда кузатувчилар.

Оммавий қирғин қуроллари кенг тарқалишининг олдини олиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси экани барча маърузаларда алоҳида таъкидланади. Чунки қуролли можаролар иштирокчилари таркибини жиддий таҳлил этиш уларнинг кўпчилиги ўз рақибларига қарши ўйлаб ўтирмасдан атом ёки водород бомбасини, жуда бўлмаганда, кимёвий ё биологик қуролни ишлатиши эҳтимолдан холи эмаслигини кўрсатди. Умид шуки, инсоният XXI аср бўсағасига Ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш илинжи билан эмас, балки бахту саодат орзуси билан қадам қўйсин.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА шарҳловчиси.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидланганидек, аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлашда ҳамон сусткашлик сезилмоқда. Зеро, бу камчиликларни бартараф этмай туриб, одамларда рағбат уйғотиш қийин. Шу боис ҳам Куйи Чирчиқ туманидаги Қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари иш қўламини кенгайтириб юбордилар. Хусусан, Янги йилни улар мўлжалдаги 30 километр ўрнига 39 километр масофага газ қувурларини ётқизиш билан кутиб олишди. Натижада Абай номли жамоа хўжалигидаги 153 хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлди.

Суратда: (чапдан ўнгга) Қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор ишчилари Руслан Юсупов ва Виктор Красновлар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ПОЛВОНГА – «ТИКО» АВТОМОБИЛИ

Мутафаккир ва шоир Паҳлавон Маҳмуд туғилган куннинг 750 йиллигига бағишланган юбилей тадбирлари орасида миллий кураш бўйича 4-Халқаро мусобақа энг ёрқин воқеа бўлди. Мусобақа янги йил арафасида Хива шаҳрида ўтказилди.

Хоразмда бу мусобақа анчадан буён анъанавий турнирга айланган. Бу йил афсонавий паҳлавон юбилейи муносабати билан унда республикамиз, Тожикистон ва Туркманистоннинг энг кучли 200 нафар полвони иштирок этди.

Уларнинг кўплари елкаси ерга тегмаган машҳур Паҳлавон Маҳмуд номидор рақибларидан бирини мағлуб қилиб, беш минг юртдошини асирликдан қутқарганини эндигина эшитди.

Қашқадарёлик полвон Баҳром Авазов Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган мусобақанинг мутлақ ғолиби бўлди ва бош соврин «Тико» автомобилини олди.

Т.ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

Мавзуга қайтиб

«МУРУВВАТ УЙИ»ГА МУРУВВАТ ҚАНИ?

«Ишонч» газетасининг 1998 йил 13 январ сонида қуйидаги сарлавҳа остида танкидий мақола эълон қилинган эди. Орадан карийб бир йил вақт ўтди. Хўш, шундан сўнг Қаршидаги ушбу масканда қандай ўзгаришлар рўй берди?

Биз «Мурувват уйи»да бўлиб ҳақиқий аҳвол билан танишдик. Директор Шермамат Ражабов мақсадимизни эшитгач, столга қоғозлар тўла «семиз»гина папкани қўйдида:

- Газета долзарб муаммо ҳақида вақтида чиқиш қилиб савоб ишга қўл урганди,- деди у. - Шундан сўнг бироз жонланиш сезилди, бизга эътибор қилувчилар пайдо бўлди. Бахтга қарши ҳаммаси вақтинчалик экан. Муаммо тўла-тўкис ҳал бўлгани йўқ.

Бу масканга киришингиз билан ҳовлидаги саранжом-саришталикка кўзингиз тушади. Шинам жиҳозланган зал ҳавас қилса арзигулик. Бироқ, хоналар совуқ. Айни қишда амал-тақал қилиб хоналарни иситишга ҳаракат қилинаяпти. Бу ишни «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти ўз зиммасига олган. Эскириб қолган қувурлар имкон қадар таъмирланаяпти. Яқинда «Эскианхорканалқурилиш» трести тасарруфидаги «Чашма» болалар боғчаси биносини «Мурувват уйи» ихтиёрига бериш ҳақида гап сўзлар бўлди. Буни эшитиб мутасаддиларнинг боши осмонга етди. Аммо хайрли иш охирига етказилмай кимларнингдир айби билан ваъдалигича қолиб кетмоқда.

Йўлнинг ўнг томонидаги икки қаватли бино узоқдан кўзга ташланади. Бу ер илгари худди шу маскан ҳудудига қарашли бўлиб, Қарши шаҳар ҳокимлигининг қарори билан тадбиркорларга ажратиб берилибди. Бироқ, тадбиркорлар фаолият кўрсатаётган бинонинг шундоққина ёнида жойлашган саҳоватга мушток болаларни унутишганига ҳайрон қоласан киши.

Саҳоват, мурувват сўраб олинмайди. Ҳар ким ўз имкониятига қараб беминнат ёрдам қўлини чўзади. Имконият бўла туриб, меҳрга ташна болажонларга шарт-шароитлар яратилмаётганлиги, кимлардир қуруқ ваъда билан ўзини овутиб юрганлиги ажабланарли ҳол албатта.

Маълумки, газета чиқишидан сўнг вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси раҳбари вилоят ҳокимлигига «Мурувват уйи»га эътиборни кучайтириш, муаммоларни ҳал этиш юзасидан ёрдам берилишини сўраб мурожаат қилди. Шундан сўнг Республика ижтимоий таъминот вазири имзоси билан вилоятнинг собиқ раҳбари номига хат ҳам келди. Хуллас комиссияларнинг бири келиб, бири кетди. Ориқ папкалар «семир»ди. Аммо қуруқ ваъдага ишонган «Мурувват уйи»дагилар яна бармоқ тишлаб қолавердилар. Гапнинг очиғи ишга шашт билан киришилганларни биринчи қаватга олиб тушиб тор хонага қўшимча кроватлар қўйилди. Хоналарнинг деворлари ёрилиб кетган, дереза ойналари синиқ, поллари чўккан «Мурувват уйи»га амалда ёрдам берадиган мард бормикан?!

Вилоятда юз берган носоғлом муҳит, ижтимоий соҳадаги жиддий камчиликлар ҳақида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг сессиясида очиқ ойдин гапирилган эди. Худди шу сессияда болалар боғчалари, мактаблар, ночорларга эътиборни кучайтириш, муаммоларни ҳал этишга масъулият билан киришиш лозимлиги таъкидланганди. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма ҳам бундан ўзига тўла хулоса чиқармаган кўринади. Биз эътибор қаратаётган масканда айрим савобли ишлар қилинган бўлсада, асосий ишлар пайсалга солиб келинмоқда. Хўш, муаммолар қачон тўласинча ўз ечимини топади?

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя: тажриба, ташаббус

МЕҲР ҚАЕРДА – ОҚИБАТ ШУ ЕРДА

Милиция полковниги Садриддин Зайниев Хоразм вилоят ички ишлар бошқармасига раҳбар бўлиб келган кунидан бошлаб ишни шахсий таркибнинг маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий билимларини оширишдан бошлади. Фуқаролар орасида олиб борилган тезкор ва профилактик тадбирлар туфайли қатор ижобий натижаларга эришилди.

У жиноятнинг ўз вақтида фош қилинмаслиги сабабларини ўрганиб чиқар экан, ҳодиса содир бўлган жойга тезкор гуруҳнинг ўз вақтида етиб бормаслиги, ходимларда касбий маҳоратнинг етишмаслигида, деб тушунди. Шундан сўнг ҳар бир шаҳар, туман ИИБда эксперт - криминалист лавозимига тажрибали ходимлар тайёрланиб, тезкор ходимлар малакасини шу кун талаблари даражасига кўтаришга эътибор кучайтирилди.

- Ходимларимиз орасида покланиш палласи осон кечмаяпти,-дейди Садриддин Фазлиевич,- ҳар бир милиция ходими пок ва фидойи бўлиши шарт. Энг аввало ходимларимиз орасида қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига тамоман чек қўйишга эришишимиз зарур.

Маълумки, вилоятда қамоқ муддатини ўтаб озодликка чиққанлар учун ижтимоий кўникма маркази мавжуд эмас эди. Яқиндан бошлаб шаҳар ва туманларда шундай марказлар иш бошлади. Жумладан, Ургенчдаги шундай марказ қошидаги «Ғамхўрлик» фирмасида ёғоч ва тунукадан буюмлар ясаш, тикувчилик, бинокорлик ишлари, телевизор ва радио аппаратларни созлаш, деҳқончилик, тижорат-воситачилик билан шуғулланувчи корхона ишга тушди. Истиқомат жойлари бўлмаганлар учун чоғроқ ётоқхоналар ҳам очилган. Тез орада марказнинг довруғи ёйилди.

Кўпинча ота-оналар қамоқдан озод бўлган фарзандларини ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, мурожаат қиладилар. Марказ қисқа вақт ичида анчагина кишини ишга жойлаштирди ва бир қанчасига моддий ёрдам кўрсатди. Милиция фахрийлари, боқувчисини йўқотган оилалар, беморлар, ёлғиз яшовчи ёрдамга муҳтож нафақадагиларга мунтазам моддий кўмак берилмоқда. Шунингдек, ИИБ Хива шаҳридаги 20-меҳрибонлик уйи ва 97-махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларини оталиққа олган. Ургенч шаҳрида фойдаланишга топширилган 54 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси йиллар мобайнида зориқиб кутаётган инсонларга берилди.

Сафдаги милиция ходимлари ва фахрийлар ҳамда оила аъзоларининг соғлиқларини тиклаш масаласи ҳам диққат марказида. Масалан, Ургенчда 60 ўринли минтақавий шифохона (госпиталь) ишга туширилди. Терапия ҳамда асаб касалликлари учун алоҳида бинолар қурилиб, улар замонавий тиббиёт ускуналар билан жиҳозланди. Компьютерлар ўрнатилди. Бу шифохона нафақат Хоразм вилояти, балки Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини ҳам қабул қилишга мўлжалланган. Бу ерда даволанувчилар учун барча қулайликларга эга бўлган кутубхона, дорихона, сартарошхона, ошхона, дам олиш хоналари мавжуд.

- Оиласидан, рўзғоридан кўнгли хотиржам одамнинг иши унумли бўлади,- дейди, бошқарма бошлиғи,- бунинг учун барча ходимларнинг бирма-бир уйига бориб, оиласи билан танишиб, етишмовчиликларини аниқламоқдамиз. Ўғил уйлаб, қиз узатиш тараддудида юрганлар, ёки қарамоғида касалманд, ногирон оила аъзоси бўлган ходимларга қўшимча маблағлар ажратиш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишларини йўлга қўйганмиз. Айниқса, фахрийларни эъзозлаш анъанага айланган.

Бундан ташқари, ИИБ ўқув маркази ёрдамчи хўжалигида етиштириладиган бўғдой ҳосилидан 130 қоп ун ва анча гуруч ходимларга арзон нархларда сотилиб, унинг пулига уруғлик ва шоли сотиб олинди.

Бошқарма ўтган йили май ойида милиция участка нозирларини ижтимоий муҳофазалаш, уларни иш шароитларини яхшилаш ва моддий рағбатлантириш мақсадида вилоят ҳамда туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда «Ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси»ни ташкил этди. Ўтган ярим йиллик ва йил якунларига кўра энг яхши участка нозирларига хизматда фойдаланиш учун «Тико» автомашинаси бериб бориш ҳақида қарор қабул қилинганди. Масалан, Янгиариқдан участка катта нозири капитан Рашид Қурбонов, Хива шаҳридан милиция катта лейтенанти Тоҳир Хўжаев, Хонқа туманидан милиция капитани Мўмин Каримов ва бошқа участка нозирлари «Тико» автомашинаси билан мукофотландилар.

Бундан ташқари, туман ҳокимларининг фармойишларига асосан жамоа хўжаликлари ҳисобидан шахсий автомашиналари бор бўлган участка нозирларига ойига 150-160 литрдан бензин, автоулови йўқларга эса жамоа хўжаликлари ҳисобидан хизматда фойдаланиш учун транспорт ажратиладиган бўлди.

Шунингдек, хизмат вазифаларини сидқидилдан бажараётган, ўз ҳудудларида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ижобий кўрсаткичларга эришган 50 нафардан зиёд участка нозири пул мукофотлари билан тақдирландилар. 20 нафардан зиёд ходимларнинг уйларига навбатсиз телефон ўрнатилди, 10 нафари ер участкаси, 5 нафари турар жой билан таъминланди. Хайрли ишлардан яна бири - шаҳар ва туман ҳокимлари ёрдами билан вилоятдаги 200 нафарга яқин участка нозирлари хизмат хоналари қайта таъмирланди, янги столстуллар, алоқа воситалари билан жиҳозланди.

«Милициянинг меҳнат ва жанговар шуҳрат музейи» ташкил этилди. Музей директори Ўринбой Абдукаримовнинг айтишича, музейдаги Хоразм милициясининг ўчмас тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи экспонат ва стендлар ёш милиция ходимларини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, жиноятни тезкорлик билан очишда фахрийлар ҳам имкони борича иштирок этишмоқда. Масалан, Хонқа туманининг «Хоразм» жамоа хўжалиги ҳудудида жиноят содир бўлди. Участка нозирига катта тажрибага эга бўлган истеъдодаги милиция майори Зариф Ҳаитов 4 кишини гумон тариқасида айтганида, уларнинг бири чинданам шу жиноятни содир қилган бўлиб чиқди. Ургенч шаҳрида 21 нафар милиция фахрийси тарбияси оғир ўсмирлар яшаётган маҳаллаларга биркитилди. Улар участка нозирлари билан ҳамкорликда иш олиб боришяпти. Ота-оналар, ўғил-қизлар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар, учрашувлар ўтказишмоқда. Натижа ҳозирча чакки эмас.

Э. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ҳ. СОЛИЖОНОВ.

Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалиги миришкорлари асосий даромадни пахта, ғалла ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларидан олишади.

Суратда: ишчилар Роҳат Тангриева ва Хосият Ишмуродовалар лимонзорда.

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Янги қурилишлар

ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқида ўтган йили фойдаланишга топширилган иншоотларни санаб ўтди ва Хўжаобод туманидаги ерости газ омборини тўлдириш учун янги газ қувури ётқизилаётганини алоҳида таъкидлади.

Аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш, минтақа халқ хўжалиги бир меъёрда ишлаши учун яна бир муҳим қадам қўйилди: ишлаб турган газ қувурларидан ташқари яна бир қувур - «Андижон-Асака-Хўжаобод» газ қувури фойдаланишга топширилди. 33 километрлик бу газ қувурини «Ўзбекнефтгазқурилиш» бўлинмалари барпо этди.

Газ омборининг ўзида АҚШда ишлаб чиқарилган учта қудратли компрессор ўрнатилди, 30 та технология қудуқлари, бошқа кўплаб ишлаб чиқариш участкалари тайёр бўлди. Шу йил баҳорда газ сақланадиган ерости омбори мураккаб тизими ишга туширилади.

К.НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Куни кеча Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик бирлашмаси жамоаси ўз фаолиятининг ўн йиллигини нишонлади. Айтиш мумкинки, жамоа бу санани ҳар жиҳатдан муносиб кутиб олди. Ўтган йил режасини 110 фоизга адо этди. Яъни 771 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бошқача қилиб айтганда 7,5 минг тонна қалин қоғоз, 9,5 минг квадрат метр горфо қутилари ҳамда 111 минг квадрат метр толали плиталар халқ хўжалиги тармоқларига жўнатилди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон андозаларига мос бўлиб, ташқи бозорда ҳам рақобатбардошдир. Буни Американинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган халқаро «Тараққиёт йўли» танловида «Факил-ист-Бирменгама» медалига сазовор бўлганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. Худди шундай анжуман яқинда Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтди. Унда иштирок этган бирлашма бош директори Шавкат Осмоновнинг ажойиб мукофот билан қайтганлиги маҳсулотлар сифатига берилган юксак баҳодир.

Муваффақиятларнинг сири шундаки, бирлашманинг замонавий техника ускуналари Россия, Франция ҳамда Финляндия давлатларидан келтирилган. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги қатор қўшма корхоналар ҳам буюртмачилар ҳисобланади.

Муродулла ГАФУРОВ.

Саховат

ДОРИ-ДАРМОН БЕПУЛ

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳозиржавоблик қилаётган жамоа ташкилотлардан бири бу касаба уюшмаларидир.

Улар мурувватга муҳтожларга беминнат ёрдам бермоқдалар. 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Сурхондарё вилоят давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси хайрли ишга қўл урди. Яъни, қўмита ўз ҳисоб рақамидан 50.000 сўмлик дори-дармон сотиб олиб, Сариосиё туманидаги «Фарҳод» номли хотин-қизлар мурувват уйига ҳадя этди.

Бу масканда асосан бемор аёллар истиқомат қилади. Шу боисдан ҳам иложи борича уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилинаяпти.

— «Аёллар йили» муносабати билан турли ташкилотлар саховат кўрсатишяпти,- дейди мурувват уйи директори Парда Сафаров.- Уларнинг барчасига раҳмат. Янги йил кечаси ҳақиқий байрам тусини олди. Ажойиб концерт дастуридан кейин мурувват уйининг ҳар бир аъзосига совғалар улашилди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Сифатга эътибор

Навоий шаҳридаги «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси янги йилни яхши кўрсаткичлар билан бошлади. Бу ерда ҳар куни мўлжалдаги 7,5 минг тонна ўрнига 9 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада маҳсулот сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг изчил амалга оширилаётгани ўз самарасини бермоқда. Шу туфайли ўтган йили режадагидан 30 минг тонна кўп - 1 миллион 300 минг тоннадан ортиқ харидоргир бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири

Муаммо кўндаланг қўйилади

ҚИШЛОҚ ОҚШОМЛАРИ НЕГА ЗЕРИКАРЛИ?

Бугунги кунда Зафаробод туманида 5 та маданият саройлари, 8100 китоб жамғармасига эга бўлган 3 та кутубхона, киноқурилмалар ишлаб турибди. Маданий муассасаларда эса 9 та бадиий ҳаваскорлик тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Унда 120 га яқин ҳаваскорлар ижод қилмоқдалар.

Бозор муносабатларига ўтиш шарт-шароитлари маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар ва киноқурилмалар фаолиятида ҳам маълум мураккабликлар туғдирмоқда. Аммо шунга қарамай туман тармоқ касаба уюшмаси, бошланғич касаба уюшмалари уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун амалий чора-тадбирлар кўриб, тузилаётган жамоа ва ортномаларига уларни маблағ билан таъминлаш, таъмирлаш, асбоб-ускуналар, инвентарлар етказиб бериш каби масалаларни киритмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, меҳнаткашларнинг маънавий ва маданий ривожланишини талаб даражасида ташкил этиш туман касаба уюшмасининг 1997 йил 20 июнда бўлиб ўтган Пленуми вақтида махсус муҳокама қилиниб, уни ўз вақтида амалда тадбиқ этиш чора-тадбирлари белгилаб олинган эди. Қилинган саъй-ҳаракатлар ва кўрилган чора-тадбирлар натижасида меҳнаткашлар ва ёшларнинг маданий-маънавий ва маърифий савиясини ошириш, уларни миллий урф-одат ва анъаналар руҳида тарбиялаш борасида муайян ютуқларга эришилди.

Шу ўринда Й.Охунбобоев номли ижара ширкатлари бирлашмасига қарашли (касаба уюшмаси раиси А.Эргашев) маданият саройи фаолиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Хўжаликнинг молиявий аҳволи оғир бўлишига қарамай маданият саройи кейинги 3 йил ичида унинг раҳбари Ҳамро Алиевнинг ташаббус ва тадбиркорлиги туфайли фақат ўз хўжалик ҳисоб-китоби асосида фаолият кўрсатмоқда. Маданият саройи қошида сартарошхона, фотосалон, биллярдхона очилиб, тўйларда пулли хизмат кўрсатиш гуруҳи тузилган. Ушбу хизматдан тушган маблағлар ҳисобидан ижодий ходимлар маош билан таъминланмоқдалар.

Ҳ.Олимжон номли ижара ширкатлар бирлашмаси (касаба уюшмаси раиси Т.Абдумўминов) маданият саройида эса қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда фольклор ва доирачилар дастаси тузилиб, улар дам олиш кунлари аҳолини ўз чиқишлари билан хушнуд қилмоқдалар. «Оила ва мен», «Оиланг тинч, сен тинч»,«Оила остонадан бошланади»,«Оила жамиятимиз негизи» каби мавзуларда мунозарали баҳс ва суҳбатлар айниқса катта таассурот қолдирди. Шунингдек, маданият саройида соғломлаштириш ва спорт ишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, унинг қошида миллий кураш бўйича болалар ва ўсмирлар спорт секцияси фаолият кўрсатмоқда.

Аммо, эски қолипдан чиқиб кета олмаётган, тадбиркорлик йўлларини қидирмаётган раҳбарларнинг эътиборсизлиги туфайли, айрим муассасаларда ишлар ўлдажўлда бўлиб қолмоқда. Масалан, «Уч қаҳрамон» ижара ширкатлар бирлашмасига қарашли (хўжалик раҳбари Я.Қобилбеков, касаба уюшмаси раиси А.Ғаниев) маданият саройи 8-9 йилдан бери умуман таъмирланмаган. Сотиб олиниши зарур бўлган мусиқа асбоблари эса ўз вақтида харид қилинмаган. Эътиборсизлик оқибатида бугунги кунда маданият саройида бирорта ҳам стол-стул қолмаган, киноқурилма эса талон-тарож қилинган. Бу тартибсизликлар оқибатида маданият ўчоғи яроқсиз аҳволга келиб қолган. Хўжаликда уч ярим минг аҳоли истиқомат қилишига қарамай уларга умуман маънавий-маданий хизмат кўрсатилмаган.

Тумандаги С.Раҳимов номли ижара ширкатлар бирлашмасига қарашли (касаба уюшмаси раиси А.Жуманов) маданият саройида эса ўз вақтида таъмирлашга эътибор берилмаганлиги сабабли кўпгина хоналар фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган. Натижада 1990 йилга нисбатан бадиий ҳаваскорлик тўгараклари сони 11 тага, уларда иштирок этувчилар сони 120 нафарга камайиб кетган.

Бир сўз билан айтганда «Уч қаҳрамон» ва С.Раҳимов номли ижара ширкатлар бирлашмасига қарашли маданият саройларида бугунги кунда республикамиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ва биринчи навбатдаги масалалар қаторига киритилган меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг маънавий-маданий ва маърифий савиясини ошириш каби долзарб вазифалар ўзининг амалий аксини топмаяпти. Уларда ҳатто кўргазмали қуроллар ҳам мавжуд эмас. Мавжуд кутубхоналарда эса касаба уюшмаларида маблағ йўқлиги сабабли кейинги уч йил ичида биронта ҳам китоб олинмаган.

Ушбу камчиликларни эътиборга олган ҳолда Жиззах вилоят касаба уюшмалари кенгаши Раёсати Зафаробод туманида маданият ва маърифат ишларини яхшилаш юзасидан қарор қабул қилди.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ОЛАМДА НИМА ГАП

Б Е Л Г Р А Д. «Косово озодлик армияси» (КОА) бош штаби америкалик воситачи Кристофор Хиллнинг Косовода барқарорликни таъминлаш борасидаги таклифини рад этди. Бош штаб КОАни мунтазам армия сифатида тан олишни талаб қилмоқда.

КОА бош штаби тарқатган баёнотда айтилишича, К.Хиллнинг минтақада барқарорликни таъминлаш борасидаги режасида хавфсизлик, мудофаа ва халқаро ҳамкорлик бўйича Косовога жуда кам ҳуқуқ берилган. Косово ўлкаси Югославия билан муносабатларни БМТ ва Европа Иттифоқи воситачилигида амалга ошириши керак, дейилади унда.

* * *

Л И С С А Б О Н. Европада сиёсий ва ижтимоий иттифоқ тузиш борасида хавотир уйғотадиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Португалия Бош вазири Антониу Гутерриш шундай деди. Унинг сўзларига қараганда, у ёки бу масалани ечиш учун ЕИда ягона сиёсат ишлаб чиқишда муайян камчиликларга дуч келинаётир.

Лиссабонда бўлиб ўтган халқаро анжуманда сўзга чиққан А.Гутерришнинг таъкидлашича, кўп сиёсатчилар қарор қабул қилишда қитъа манфаатларидан кўра миллий манфаатларни устун қўймоқда. Бу ҳолат эса охир-оқибатда миллий эгоизм ва демократия танқислигига олиб келади, деди у.

* * *

П Р А Г А. Чехияда яшаш учун рухсатнома олиш тартиби кучайтирилди. Бундан буён мамлакатда узоқ муддат қонуний яшамоқчи бўлган хорижликлар полицияга ўзларининг судланмаганлиги тўғрисидаги маълумотни топшириши шарт. Бу ҳужжат мазкур шахс қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлатнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан берилган бўлиши лозим.

Чехия полиция маҳкамасидагиларнинг айтишича, мамлакатда хорижликлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сонининг ошиши шундай чора-тадбир кўришни тақозо қилган.

* * *

1998 йилда Чехия бюджетидаги камомад миқдори 26,3 миллиард кронни /1 миллиард АҚШ долларига яқин/ ташкил этган. Мамлакат молия вазирлиги тарқатган хабарда айтилишича, ўтган йилнинг бошида Чехия парламенти камомадсиз бюджетни тасдиқлаган бўлса-да, республика иқтисодиётидаги баъзи жараёнлар туфайли харажатлар кўпайиб кетган.

Маълумотларга қараганда, бюджетда улкан камомад келиб чиққани муносабати билан Чехияда давлат облигацияларини чиқариш имкониятлари ўрганилмоқда. Уни сотишдан тушган маблағ мамлакат хазинасини тўлдиришга хизмат қилиши керак.

* * *

В А Ш И Н Г Т О Н. АҚШ президенти Билл Клинтон хасталиги туфайли ишламайдиган ва кекса фуқароларга, шунингдек, уларнинг қаровчиларига моддий ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиқди. Бу ғояни беш йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, унга 6,2 миллиард доллар маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар қаровчиларига 1000 доллар ҳажмида солиқ имтиёзи бериш АҚШ президенти ташаббусининг асосини ташкил этади. Ана шундай ёрдам мамлакатдаги қарийб беш миллиондан зиёд аҳолига кўрсатилиши кўзда тутилган. Мазкур ташаббус мамлакат конгрессида ўз тасдиғини топадими, йўқми - буни вақт кўрсатади.

* * *

АҚШ президенти Билл Клинтон Европа Иттифоқига аъзо 11 давлатнинг ягона валюта - еврога ўтишини маъқуллади. Шу муносабат билан тарқатилган баёнотда айтилишича, Европа давлатларининг иқтисодий ва валюта иттифоқини янада кенгайтиришга қаратилган ушбу тадбири тарихий қадам бўлди. Очиқ бозорга эга бўлган кучли ҳамда барқарор Европа Америка ва бутун жаҳоннинг фаровонлигига хизмат қилади, дейилади, жумладан, мазкур баёнотда.

* * *

С Е У Л. Евронинг муомалага киритилиши Жанубий Кореянинг халқаро савдо келишувларига у қадар сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди. Мамлакатдаги йирик савдо гигантлари, жумладан, «Хендэ», «Самсунг» ва «ДЭУ» компаниялари ва уларнинг филиаллари евро билан ҳисоб-китоб қилишга тўла тайёр бўлишига қарамай, бу жараённи жорий йилнинг иккинчи чорагидан бошлашни мўлжалламоқда.

* * *

Сеул маъмурияти пойтахтдаги беш юздан ортиқ уй-жойсиз фуқароларни шаҳарнинг жанубий-ғарбий қисмидаги собиқ тўқимачилик фабрикаси ётоқхонасига жойлаштирди. Мазкур тадбир совуқ мавсум бошланиши муносабати билан маҳаллий дайдиларнинг метрополитен бекатларида, ерости ўтиш йўлакларида ва савдо галереяларида тунаши маъмурият томонидан тақиқланганидан сўнг амалга оширила бошланди. Ҳисоб-китобларга қараганда, айни пайтда Жанубий Корея пойтахтида 3300 га яқин уй-жойсиз фуқаро бор.

Фабрика ётоқхонасида бошпанасизларга тиббий хизмат кўрсатилибгина қолмай, улар унча қийин бўлмаган касбларни ҳам ўрганишади.

* * *

Н Ь Ю - Й О Р К. Анголадаги УНИТА гуруҳи назоратида бўлган ҳудудда БМТ самолётининг уриб туширилишини Хавфсизлик Кенгаши аъзолари «бузғунчилик ва хунук воқеа», деб баҳолади.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари УНИТА раҳбариятидан ушбу ташкилотга тегишли ҳалокатга учраган икки самолётнинг омон қолган бўлиши мумкин бўлган аъзоларини қутқариш борасида Анголадаги БМТ кузатувчилари миссияси ходимлари билан тўла ҳамкорлик қилишни талаб этди.

* * *

Т Е Л - А В И В. Исроил полицияси «Хавотирланаётган насронийлар» сектасининг америкалик саккиз аъзосини ва улар билан бирга келган олти болани қамоққа олди. Улар мамлакатда бир неча ноқонуний ҳаракатлар содир этишга, жумладан, 1999 йилнинг охирига бориб ўз жонларига суиқасд қилишга тайёргарлик кўришда айбланмоқда. Полициянинг таъкидлашича, қамоққа олинганлар Қуддусда полиция ходимларини ўққа тутишга чоғланишган. Сектантлар шундай ҳаракатлари билан Исо Масиҳнинг иккинчи марта ерга қайтиб тушишини яқинлаштирмоқчи бўлган.

Исроил ҳукумати қўлга олинганларни мамлакатда суд қилмоқчи эмас. Уларни АҚШга жўнатиб юбориш мўлжалланаётир.

/ЎзА/

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ: У ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Тавсия

1

Меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномалари тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Кафолатларнинг юқори даражасини белгилаш, меҳнат муносабатларини самарали равишда тартибга солиб туриш масаласи корхона, ташкилот, муассасаларнинг ўзларида жамоа шартномалари орқали ҳал этилиб, асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

Меҳнат жамоаси мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси меъёрий - мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши, олдидан иш берувчи билан касаба уюшмаси ўртасида музокаралар олиб борилади, касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Музокаралар олиб боришдан мақсад, бир томондан, корхонанинг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган қарорлари, ҳужжатлари, йўналишларини ишлаб чиқиш бўлса, иккинчи томондан, ходимларнинг турмуш даражасини ошириш, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнат қилиш учун соғлом ва хавфсиз шароитни яратиш билан қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Музокаралар томонларнинг ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ҳақиқий молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш, томонларнинг олган мажбуриятларини бажариш учун масъулияти асосида олиб борилади.

Музокаралар давомида ўзаро ва алоҳида мажбуриятлар, жамоа шартномаларини тузиш ва уларни бажариш йўллари, келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби муҳокама қилинади.

Жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар икки томоннинг келишуви асосида олиб борилади, иш берувчи томонидан музокарада раҳбар ёки унинг ваколатли ходими, касаба уюшмаси томонидан - касаба уюшма қўмитасининг раиси қатнашади.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг баробар сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Вакиллар сони камида уч киши бўлиши керак. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Томонлардан бирининг талаби, ташаббуси жамоа шартномаси тузиш юзасидан музокараларни бошлаш учун асос бўла олади, бу талаб аввалги шартнома муддати тугашидан уч ой олдин ёзма равишда юборилади.

Музокараларга тайёргарлик кўриш даврида корхона касаба уюшма қўмитаси ходимларнинг таклифларини тўплаши, анкета тарқатиши ва мажлислар баённоналарини таҳлил қилиб чиқишлари керак, бу эса музокара жараёнида жамоа фикрига таяниш имконини беради.

Айни пайтда корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолияти натижалари таҳлил қилиб чиқилиши лозим бўлади.

Музокаралар кейинчалик комиссиянинг мунтазам олиб бориладиган мажлисларида давом эттирилиб, уларда долзарб масалалар мажмуи муҳокама этилади.

Касаба уюшма қўмитасининг асосий мақсади - ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайдиган таклифлар ҳамда мажбуриятларни иложи борича тўла жамоа шартномасига киритилишига эришишдир.

Муҳокама этилаётган масалалар юзасидан икки томон бир фикрга келганидан кейин комиссия жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишга киришади.

Жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномаси лойиҳаси умумий мажлисда маъқулланганидан кейин уч кун ичида томонлар имзо чекишади ва ҳужжат кучга киради.

Жамоа шартномасида қуйидаги бўлинмаларнинг акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

2

I. Умумий қоидалар

1.1. Жамоа шартномаси томонлари

1.2. Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3. Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси, меъёрий ҳужжат сифатидаги мақоми.

1.4. Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

1.5. Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6. Касаба уюшма қўмитаси тақдимномаларини иш берувчи томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан кўриладиган чоралар.

1.7. Келишмовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

II. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. Касаба уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигининг эътироф этилиши

2.2. Иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитасини корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши

2.3. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш:

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш:

в) касаба уюшма қўмитаси низомида белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш:

г) касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси — фоиз миқдорида пул ўтказиб бориш:

2.4. Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш:

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ холатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш:

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломлаштириш учун ходимларни тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан кўпроқ таъминлаш:

е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш:

ж) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, низоларга олиб келувчи вазиятларни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

з) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш

III. Ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолият

3.1. Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми

3.2. Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари

3.3. Хом-ашёни етказиб бериш шартномалари ва тайёр маҳсулотни сотиш

3.4. Корхона таъсисчилигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари

3.5. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари

3.6. Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шарт-шароитлари

3

IV. Мулк шаклларининг ўзгариши (хусусийлаштириш)

4.1. Касаба уюшма қўмитаси вакилини ҳал қилувчи овоз билан хусусийлаштириш бўйича комиссия таркибига киритиш

4.2. Хусусийлаштиришнинг асосий шакллари ва уни ўтказиш муддатлари, масъул мансабдор шахслар

4.3. Корхона тасарруфидаги мол-мулкни касаба уюшма қўмитасининг розилигисиз сотилиши, бошқаларга ўтказилиши, ижарага берилишига йўл қўймаслик.

4.4. Мулк шаклларини ўзгартиришда унинг у ёки бу шаклини танлашда меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиш

4.5. Хусусийлаштириш ва корхона мулкини баҳолаш бўйича комиссия таркибида касаба уюшма қўмитаси вакилининг иштирок этиши

4.6. Акцияларни тайёрлаш ва тақсимлаш тартиби

4.7. Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфраструктура объектларининг фаолият кўрсатиш тартиби

4.8. Хусусийлаштириш жараёнида ходимларнинг айрим гуруҳларига имтиёзлар бериш

4.9. Аввал тузилган жамоа шартномасини корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари

V. Меҳнатга ҳақ тўлаш

5.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва ҳажми

5.2. Ягона тариф сеткаси нуллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш ҳақига етказиладиган даражаси

5.3. Иш ҳақини тўлаш муддатлари. Иш берувчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш ҳақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар

5.4. Ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом.

5.5. Иш вақтининг янги меъёрларини жорий этиш тартиби

5.6. Ишлаб чиқариш меъёри камайтирилган шахслар (ногиронлар, ёш ишчилар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) рўйхати

5.7. Ходимлар тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

- ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;

- кечки, тунги навбатлардаги, ишдан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;

- ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;

- бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;

- кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;

- ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча ҳаражатларини, шунингдек бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ ҳаражатларини, хизмат сафари давридаги суткалик ҳаражатларини қоплаш;

- қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

- иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо) дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;

- ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;

- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори.

5.8. Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари

5.9. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо).

VI. Меҳнат шартномаси. Бандлик кафолатлари

6.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш

6.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб

4

амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно)

6.3. Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унинг бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаш. Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар мезонлари

6.4. Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги тадбирларни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёҳуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин маълум қилиш

6.5. Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта ўқитишни уюштириш.

6.6. Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарадаги, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чегаралаш, ўриндошликни тақиқлаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) штатларни қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш берилганда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига пуллик компенсация тўлаш;

д) ишга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш бўйича хизмат идоралари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари;

6.7. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги давосидан воз кечиш ҳоллари. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимлар тоифаларининг рўйхати.

VII. Иш вақти ва дам олиш вақти:

7.1. Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги:

- нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун:

- зарарли меҳнат шароитида банд бўлган ходимлар учун:

- 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун:

- 16 ёшга тўлмаган ходимлар учун

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги,

7.4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар

7.5. Меҳнат таътилининг энг кам муддати

7.6. Қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари

7.7. Меҳнат таътилига чиқаётганда қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқишнинг алоҳида қоидалари

7.8. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи

7.9. Йиллик таътиллар учун ҳақ тўлаш муддатлари

7.10. Болалик аёл ходимлар учун:

- болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари:

- икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби

7.11. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган, иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни

5

олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари

7.12. Оилавий сабабларга кўра, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланадиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари

VIII. Меҳнат муҳофазаси

8.1. Иш жойларидаги меҳнат шароитларини, меҳнат муҳофазасини ва хавфсизлик техникаси аҳволини яхшилаш бўйича тадбирлар ўтказиш учун зарур бўлган маблағ ва ашёлар ажратилишини кўзда тутиш ва уларни ишлатиш тартиби

8.2. Меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати, бу ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа якка ҳимоя ва гигиена воситаларининг меъёрлари, таъминот тартиби ва шартлари.

8.3. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиш муддатлари

8.4. Асбоб-ускуналар, машина ва механизмларни хавфсизлик талабларига мувофиқ ҳолга келтириш.

8.5. Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини техник жиҳатидан қониқарли ҳолда сақлаш

8.6. Иш жойларида чангланиш, ифлосланиш, шовқин ва тебранишларнинг меъёрда бўлишини таъминлаш, иш жойларида об-ҳаво, намгарчилик режими ва ёруғликнинг нормал бўлишига эришиш.

8.7. Оғир меҳнат шароитларида банд бўлган ходимлар сонини камайтириш чоралари, бундай ишларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишдан воз кечиш

8.8. Меҳнат шароитлари ва муҳофаза қоидаларига мувофиқ иш жойларини паспортлаштириш ва аттестация қилишни ўтказиш

8.9. Куз-қиш даврида ишлашга тайёргарлик кўриш юзасидан тадбирлар бажарилишини назорат қилиш

8.10. Ходимлар айрим гуруҳларини махсус кийим-бош билан қўшимча таъминлаш шартлари

8.11. Ўз вақтида ювиш учун махсус кийим-бошни икки жамламада бериш масаласини кўриб чиқиш

8.12. Озиқ-овқат, сут, витаминли дори-дармонлар ва ҳоказоларни бепул бериш

8.13. Ходимларни корхона ҳисобидан бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан суғурта қилишнинг аниқ миқдорлари

8.14. Бахтсиз ҳодиса оқибатида ногирон бўлиб қолган ходимга ва бахтсиз ҳодиса оқибатида нобуд бўлган ходим оиласига тўланадиган бир марталик ёрдам пулининг миқдорлари

IX. Меҳнат интизоми

9.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларини бажарилишини мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона қўлланмаси, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши

9.2. Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш

9.3. Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш

9.4. Ходимларнинг корхона (тармоқда)ги узлуксиз меҳнат стажи саналарини нишонлаш

X.Ижтимоий имтиёз ва кафолатлар

10.1. Болалик аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар

1999 йил аёллар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда аёл ходимлар учун қуйидаги имтиёзларни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир:

- болалик аёллар учун қисқартирилган иш куни ёки қўшимча дам олиш куни берилишини таъминлаш:

- кўп болалик аёллар учун ижтимоий ҳимоя жамғармасини ташкил этиш:

- штатлар қисқартирилаётганда болалик аёлларга ишда қолдириш учун афзаллик бериш масаласи:

- аёлларни оғир ва зарарли шароитлардаги ишлардан олдинги иш ҳақи сақланган ҳолда енгил ишларга ўтказиш масалалари:

- аёллар учун декрет таътили муддатини корхона ҳисобидан 5 ойгача узайтириш:

- 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа тадбирлар

10.2. Ходимларнинг турли гуруҳлари, шунингдек корхонадан пенсияга чиққанлар учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санаторий - курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо

6

XI. Маданий-оммавий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт ишлари

11.1. Ўтказиладиган тадбирлар рўйхати ва уларни молиявий таъминлаш тартиби

XII. Меҳнат низолари

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати

XIII. Касаба уюшма қўмитаси ва касаба уюшма сайлаган фаоллари фаолиятининг кафолатларини таъминлаш

13.1. Асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма ходимларини меҳнат жамоаси аъзоси (акциядор) сифатидаги ҳуқуқлари, корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажининг сақлаб қолиниши

13.2. Корхона Устави лойиҳаси хусусида касаба уюшма қўмитаси билан мажбурий равишда келишиб олиш

13.3. Асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма ходимларининг касаба уюшма вазифаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш

10. Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низом

11. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати

12. Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати

13. Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати

14. Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган зарарли меҳнат шароитларидаги касб ва лавозимлар рўйхати

15. Ички тартиб қоидалари

16. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузган ходимлар рўйхати

17. Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати

18. Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом

19. Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом

20. Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси

21. Қишки-баҳорги ва кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш режалари

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунларига қадар сақлаб қолади.

Корхона таркиби, йўналиши, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди.

Корхона мулк эгасининг ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий рўйхати

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув
2. Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низом
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом
4. Корхонада қабул қилинган тарификация
5. Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш тўғрисидаги низом
6. Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом
7. Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом
8. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом
9. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда харажатларни қоплаш тўғрисидаги низом

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими

Исломда маърифат ва маънавият

МАНМАНЛИК – СОҒЛОМ ФИКРДАН ЙИРОҚЛАШТИРАДИ

(Боши ўтган сонда)

Маълумки, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ижтимоий-иқтисодий билимлар ривожланиши ислом дини ва маданияти асосларини ташкил этувчи шариат илмлари билан боғлиқ бўлган. Шу боис Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий «Мафотиҳ ал-улум» асарининг биринчи қисмдаги олти бўлимни фиқҳ илмига бағишлайди. Олимнинг фикрича, «Қуръони карим нафақат шариат Қомуси, қонун чиқариш асоси, балки умуман, ҳар қандай ҳуқуқий таълим ва тафаккурнинг ибтидоси сифатида шариатдаги барча мазҳаблар учун фатволар, адолатли ҳукмларнинг қисқа ва лўнда шаклидаги манбаидир».

Қуръони каримда ислом ҳуқуқи ва ҳуқуқий амалиётлардан бири ишлаб топилган фойдадан хайруэҳсон бериш ҳақида алоҳида фикр юритилади: «Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Аллоҳнинг бандаларига) инфоқ - эҳсон қил» («Қасос» сураси, 77-оят). Шунданми, Абу Бакр ал-Хоразмийнинг таърифича, эҳсон - инсон амалга оширадиган энг яхши ишлардир: «Ҳурмат эҳсон билан баробардир... эҳсон эшиги унга киришни хоҳлаганлар учун очиқдир, мурувват қилишни хоҳлаган киши учун ихтиёр қилинган жойи бемалолдир».

Демак, Абу Бакр ал-Хоразмийнинг юқоридаги фикрларини Қуръони каримдаги маънавий-ҳуқуқий мажбурият ғоялари билан боғлиқдир.

Мутасаввуф шоир Сулаймон Боқирғонийнинг асарларида имонсиз ва диёнатсиз кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари маърифатсизлик ва жаҳолат, ғафлат ва нодонлик сифатида қораланади. Шунинг учун ҳам у «ботин маъмурлиги» имондурки, имон ва Қуръони карим ажралмасдур» дейди.

У инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга «доя»лик қилувчи майл-нафсга иллатлардан батамом покланган руҳни қарши қўядики, бунда эса Аллоҳнинг лутф ва ёрдамига таянмоқ шарт эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Шоирнинг уқтиришича, инсон Аллоҳга қанчалик муҳаббат қўйса, унинг зуҳуроти бўлмиш борлиқ мавжудотларини, жумладан, одамларни ҳам меҳр билан шунчалик севмоғи керак:

Минг йил ибодат қилсанг, тоат ичинда қолсанг,
Маҳолдир Ҳақни билсанг, арода ишқ бўлмаса.
Одам келмагай эрди, мурсал туғмагай эрди,
Раҳмат энмагай эрди, арода ишқ бўлмаса.

Шунга кўра, у одамларни сабр-тоқатли, инсофли ва диёнатли бўлишга, Аллоҳ Таолони берганига шукр қилишга даъват этади:

Келинг дўстлар, бу дунёда сабр қилинг,
Худо берган неъматларга шукр қилинг.

Сулаймон Боқирғонийнинг издоши етук файласуф, мутасаввуф шоир ва фиқҳшунос олим Нажмиддин ал-Кубронинг «Фи одобус соликин» («Соликлар одоби») рисоласидаги асосий маънавий-ҳуқуқий ғоялар комил инсонни тарбиялаш, одамни ҳалокатга бошловчи нафс, хусумат, гумон, таъна, ниёқ, риё, фосиқлик каби ёмон феъл-атвордан халос бўлиб, фақат яхши ишлар қилишга, руҳий покликка ва маънавий камолотга чорлайди.

«... Умр ва ризқнинг баракали бўлишини Аллоҳ Таолога итоат қилишда кўрдим. Неъматнинг тўла, мукаммал бўлишини неъмат берувчидан миннатдор бўлишда кўрдим. Шариат ва диннинг пойдевори сабр ва ишонч экан»

Демак, шайх Нажмиддин Кубронинг яратувчини англаш ва севиш ҳақидаги ислом инсоншунослиги билан боғлиқ ғояларининг мантиқий хулосаси шуки, инсонга хос бўлмаган ёмон сифатларга эга бўлган кишилар Аллоҳ Таолонинг ҳидояти ва раҳматига сазовор эмасдир. Зеро, инсонни азиз, иродасини кучли қилувчи, ҳаётдаги қийинчиликларни мардонавор енгишга йўл очиб берувчи, барча ниятларига ҳам эриштирувчи ягона Аллоҳ Таолонинг ўзидир. Юқорида айтганимиздек, Кубровия таълимотининг асосида ётувчи энг муҳим ғоялардан бири - ахлоқий поклик, маънавий юксакликдир.

Нажмиддин Кубро Яратувчи ишқи йўлидаги дардни инсонни маънавий камолотга етказувчи асосий омиллардан бири деб ҳисоблайди:

Ишқ дарди ғариб таниндаги жон бўлғай,
Дард чекса киши ахийри инсон бўлғай.

Ислом дунёсида илму ҳикмат, фалсафа, адабиёт, мантиқ, тафсиру талқин, ҳадис ва калом илмларининг билимдони сифатида танилган қомусий олим Аз-Замахшарийнинг «... энг яхши эзгу ва солиқ ишларни қилиш фоний одам учун жуда савоблидир. Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфр-неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисоли, Аллоҳ Таолонинг мағфиратидан йирақдир», деган ислом маърифати тўғрисидаги фикрлари диний мутаассибликнинг ақидавий тор доираларда маҳдудланишга, бидъат ва хурофий қарашларга нисбатан муросасиз бўлишга ундайди.

Дарвоқе, Қуръони каримдаги «Аъроф» сурасининг 146-оятида такаббурлик, «Исро» сурасининг 37-оятида манманлик ёмон оқибатларга олиб келиши тўғрисида гапирилади. Аз-Замахшарийнинг асарларидаги ибратли фикрлар ҳам айнан Қуръони каримда талқин этилган ислом маърифати ғояларига монанддир: «Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиймати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, такаббурлик қилгувчи нодон кимсаларнинг бурнини тупроққа тўлдирур.

Манманлик - кишиларни соғлом фикр юритишдан маҳрум этади. Ман-ман киши ўз наслининг баландлиги билан мақтанади».

Буюк алломалар, хусусан, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва анъаналарини ривожлантирган олимлардан бири Ал-Ғаззолийнинг Бошқа мутафаккирлар қатори у ҳам дунёнинг худо томонидан яратилганини эътироф этади. Олим дунёқарашининг замирида ислом маърифати ва энг илғор томонларини бирбирига мувофиқлаштириш тамойили ётади. Бундай интилиш осмон тузилишиларнинг ишқ, ишқи инсонийга нисбат бериб, таъриф этади. Паҳлавон Маҳмуд инсоннинг инсонга муҳаббатини ўзига хос тарзда, бироқ умумшарқ одобига, исломий икромга хилоф бўлмаган йўсинда ҳал этади:

Йўлга назар солсанг агар чеккил оҳ,
Юрганда ҳазир бўл, четда бордир чоҳ.
Очса эшик мард сенга ўз одамидек,
Ўз ҳаддини билсин кўнгилу кўз ва нигоҳ.

Бир қарашда бу фикр бир инсоннинг иккинчи инсон хонадонига борганда ўзини шарқона тутиш одоб қоидаси сифатида битилгандай. Бироқ аслини олганда инсон учун очилган муборак илк эшик бу - унга дунёга келиши учун яратилган илк имкониятдир. Шунга кўра хулоса қилиш мумкинки, биз ўзимизни ер юзида азиз инсонникида меҳмонда юрган каби тутмоғимиз керак. Яъни кўнглимиз ҳам, кўзимиз ҳам ўз ҳаддини билмоғи лозим.

Паҳлавон Маҳмуд оила - никоҳ ва ишқ-муҳаббат масаласида адашмоқнинг оқибатлари нақадар оғир бўлишини таъкидлайди. Шоир йигит-қизга уқтирадики, ялтираган нарсани олтин деб ҳаёл қилиш, такаббурликка берилиш Аллоҳ бахт этган табаррук ишқ туйғусини увол қилишга олиб келади. У яхши фазилатли инсон ўзини ёмон кўрсатиб, охир-оқибатда уқубатли вазиятларга тушиб қолишдек кулфатга гирифтор бўлиши мумкинлигини уқтиради.

Жондан азиз инсон меҳрига мушарраф бўлишни шоир Аллоҳнинг буюк иноятининг сифатида таъриф этади. Албатта, муҳаббат инсонни комил инсон қилиб тарбиялашда, ҳақни танийдиган ориф зот сифатида шаклантиришда мислсиз аҳамият касб этганки, шунинг учун ҳам Паҳлавон Маҳмуд бу илмдан юксак билимдонлик, заковат ҳамда эҳтиёткорлик билан фойдаланган ҳолда ўзининг бу маърифий-ҳуқуқий таълимотидан Мағрибу Машриқдаги башарият аҳлини муборак бир тарзда манфаатлантирганлиги шубҳасиздир:

Дўст бўлгали бир умрга доно танла...

Солижон ҲАСАНОВ,
педагогика фанлари номзоди.

Қиш завқи...

Беҳзод таваллудининг 545 йиллигига

Ғолиблар аниқланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2000 йилда Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланади. Мазкур санага бағишлаб пойтахтимизда буюк мусаввир номидаги музей ва истироҳат боғи барпо этилади. Ўзбекистон Бадиий академияси ана шу мажмуа лойиҳаси учун республика танлови эълон қилган эди. Унда мамлакатимизнинг кўпгина меъморлари ўз асарлари билан қатнашди.

Танлов якунига кўра Р.Блезе бошлиқ муаллифлар жамоаси яратган лойиҳага биринчи ўрин берилиб, ижро учун қабул қилинди. Р.Хайрутдинов, О.Жабборов бошчилигидаги меъморлар гуруҳларининг ишлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларга лойиқ деб топилди.

/ЎзА/

Фан ва техника янгиликлари

Сезгир қурилма

Фарғона Давлат университети олимлари нефть маҳсулотлари таркибидаги сув ва намлик миқдорини аниқлаб берувчи ўта сезгир асбоб яратди. Мазкур қурилма нефть маҳсулотлари ортилган цистерналарнинг ҳар бир сантиметридаги сув ва намликни аниқ кўрсатиб беради. Мутахассисларнинг фикрича, маҳсулот сифатини оширишда ғоят қўл келадиган бу янгилик нефтни қайта ишлаш корхоналарига миллионлаб сўм иқтисодий самара келтиради.

Р.КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири

1999 йил - Аёллар йили

Санъат дўстлик хизматида

Ўзбекистон Бадиий академияси Аёллар йилига бағишланган тадбирлар дастурини таниқли мусаввир Азиза Маматова шахсий кўргазмасини ташкил этишдан бошлади. Пойтахтимиздаги Ҳиндистон маданият марказида очилган кўргазмада муаллифнинг тарихий шахслар ва замондошларимиз ҳаётига оид, шунингдек табиат манзаралари акс эттирилган йигирмата асари намойиш этилмоқда.

Кўплаб республика ва халқаро кўргазмалар, кўрик-танловларнинг иштирокчиси бўлган А.Маматова ижодида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти алоҳида ўрин тутади. Унинг буюк шоир ва саркарданинг болалик йиллари, Ҳиндистондаги фаолиятига доир, умуман бобурийлар сулоласи билан боғлиқ асарлари мухлислар эътиборига сазовор бўлган.

Кўргазма очилишида сўзга чиққанлар Ҳиндистон маданият маркази мамлакатимиз тасвирий санъатини тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшаётганини қайд этдилар. Зеро, бундай кўргазмалар халқларимизни бир-бирларининг маданияти ва санъати билан яқиндан таништиришга, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

М.ОДИЛОВА
/ЎзА/

Шундай одамлар бор бўлсин!

Ҳамроҳим - пойтахтимиздаги «Зангори экран» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Бахтиёр Абдумажидов хонасида суҳбатлашиб турсак, эшик очилиб усталардан бири «мумкинми?» дея киришга ижозат сўради.

- Марҳамат, ишлар кўнгилдагидек бўлдими?

ҲОЖАТБАРОР УСТАЛАР

- Ҳа, Сиз айтган манзилга бордим, уй соҳиби уруш ва меҳнат фахрийси экан. Рангли телевизор, ҳамда «Серенада» радиоприёмникини тузатиб бердим. Отахон миннатдор бўлиб, жамоамиз усталарини дуо қилдилар. Энди меҳрибонлик уйига бориб, уларни илтимосини бажо келтирсам...

- Раҳмат, укажон. Бу беминнат хизматларнинг албатта савоби тегади.

Устоз ва шогирд ўртасидаги бундай мулоқотлар, деярли ҳар куни ёхуд кун ора бўлиб ўтиши, шубҳасиз. Чунки, ҳозирги пайтда бирорта хонадонни телевизор, радио, магнитофонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар бузилгудек бўлса, албатта усталарга мурожаат қилинади.

Ҳиссадорлик жамиятида 370 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти, — дейди, — Бахтиёр Абдумажидов, — асосий мақсадимиз аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатиш. Яқинда музлатгичларни таъмирлаш цехи ҳам ташкил этилди. Усталаримиз меҳнатидан мижозлар мамнун.

- Сир эмас, ҳозирги пайтда хусусий усталар кўпайиб кетди. Бу, албатта рақобатни кучайтиради.

- Гапингизга тушундим. Бозор иқтисодиёти шароитининг талаби ҳам шу. Соғлом рақобат ижобий натижа беради. Янги имкониятларни юзага чиқаради, тараққиётга йўл очади. Афсуски, хусусий усталарнинг айримлари юзаки таъмирлашни ўзлаштириб олишган. Газеталарга «телевизор, радиони энг арзон нархда тузатаман. Чақирсангиз зудлик билан хонадонингизга бораман, овора бўлмайсиз, мана бу телефонга қўнғироқ қилсангиз кифоя» деб ўз телефон номерларини эълон қилдиришади. Унга ишониб одамлар таклиф этишади. «Уста» уй манзилини ҳам айтмайди. Бир амаллаб «тузатиб» жўнайди. Орадан кўп ўтмай мижоз алданганини сезади.

- Демак, теле-радио устачилигига қизиққанлар учун махсус ўқув курслари ташкил этиб, уларнинг тажрибаси ошириб борилса фойдадан ҳоли бўлмасди...

- Албатта, бу усталар учун ҳам, мижозлар учун ҳам фойдали тадбир. Шуни ҳисобга олиб ҳиссадорлик жамиятимиз ҳузурида олти ойлик курс ташкил этилди. Бу, албатта пуллик. Ёшлар устозлардан тажриба ўрганишаяпти. Назария ва амалиёт қўшиб олиб борилаяпти. Устоз ва шогирдлик анъаналари яхши йўлга қўйилган.

- Мижозларга имтиёзли хизмат кўрсатиш имкониятлари борми?

- Саҳоват, меҳр-мурувват кўрсатиш савоб иш-дир. Одамийлик бор жойда барака, унум бўлади. Уруш фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар навбатсиз қабул қилинади. Ва уларга бепул, беминнат хизмат кўрсатамиз. Масалан, оила йили давомида 60 дан ортиқ шу тоифадаги кишиларга бепул хизмат қилинди. 24-меҳрибонлик уйининг тарбиячи ва тарбияланувчилари усталаримиз хизматидан миннатдор.

Суҳбатдош:
Абдулла АЙИЗОВ,
«Ишонч» мухбири.

Пискент туман Марказий шифохона жамоаси қишлоқ меҳнаткашларига намунали тиббий хизмат кўрсатиш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Бунда ҳамшира Матлуба Дадабоеванинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У аввало ўзининг хушмуомалалиги билан эътибор қозонган.

Суратда: ҳамшира Матлуба Дадабоева.

Ҳ.МИРЗАКАРИМОВ
олган сурат.

Ўқувчилар қувончи

Қарши шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқувчилари янги йилда ажойиб совға олди. Улар учун 320 ўринли мактаб қуриб берилди. Уни «Эскиан-ҳорканалқурилиш» тресті қурувчилари бунёд этди. Замонавий ўқув қуроллари ва анжомлари билан жиҳозланган бу илм даргоҳида ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилган.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

Ҳар тўғрида

ҚИЗИҚАРЛИ ТАЖРИБА

Швециянинг Ландекруна шаҳрида ғаройиб экологик тажриба ўтказилмоқда. Бундан мақсад кишиларни мумкин қадар автомобилдан камроқ фойдаланишларига эришиш. Маҳаллий маданият бошқармасига ишловчилардан кимда-ким хизматга велосипедда, автобусда ва ё электричкада келса уларнинг ойлик иш ҳақларига 260 крон (бу 32 долларга яқин) қўшимча ҳақ бериладики, бу йўлкира учун бемалол етарли. Бироқ ҳозирча бошқармада ишловчи 50 нафар ходимдан 20 кишигина рози бўлган.

ЧИПСИ - ШИФОБАХШ

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида кузатиш олиб борган америкалик олимларнинг фикрига қараганда агар бола чипси (қовурилган картошка) ейишни хуш кўрса, демак у гапга кирадиган, вазмин, бахтли бўлади. Гап бу ерда фақат кирсиллайдиган нарсани ёқтиришдагина эмас, балки чипси таркибидаги ривожланишга ёрдам берувчи гиёҳлар ва бошқа экстрактларнинг мавжудлигида.

Картошканинг майда бўлакчаларига сепилган зираворларнинг баъзилари хотирани мустаҳкамласа, бошқалари кишиларда қўрқув аломатларини йўқотиш, кайфиятни кўтаришга ёрдам бераркан.

ОДАМЛАР НИМАЛАРГА ҚИЗИҚМАЙДИ, ДЕЙСИЗ!

Немис зоологи Альфред Вольфенгруберни ҳайвонлар ўртасидаги «ажралиш» масаласи қизиқтириб қолди. Маълум бўлишича, ҳайвонот олами вакилларининг жуда кам қисми ўз жуфти билан яшаркан. Гиббонлар (одамсимон маймунларнинг бир тури), мартишкалар (думли кичкина маймунлар) ҳамда қашқирлар умрларининг охиригача жуфти билан бирга ҳаёт кечирар эканлар.

Шунингдек, саҳро ўргимчаклари ҳам бутун умрга (у бир ярим ой давом этади) «аҳду-паймон» қилишар экан.

Американинг қизил фломингалари (сув қуши) орасида «никоҳ» кейинги йилга ўтмай юз фоиз емирилади. Оқ қушларнинг баъзи турлари ўртасидаги ҳаёт кечириш то янги насл пайдо бўлгунга қадар давом этади.

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85--66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа боштаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вакти — 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 027. Нусхаси — 16.608.